

12-1-2021

THE ROLE OF HUMAN CAPITAL IN THE GLOBAL INNOVATION INDEX

Shoira Asamkhodjaeva
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Asamkhodjaeva, Shoira (2021) "THE ROLE OF HUMAN CAPITAL IN THE GLOBAL INNOVATION INDEX," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 6 , Article 17.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss6/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Шоира Асамходжаева
Тошкент молия институти

ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКСДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада инсон капиталининг мазмуни ҳамда унга йўналтириладиган инвестицияларнинг моҳияти, дунё мамлакатларида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда бир қатор индексларнинг, жумладан Глобал инновацион индекс (ГИИ)нинг ўрни ўрганилиб, унинг асосий омиллари, кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ГИИдаги инсон капитали билан боғлиқ жиҳатлари ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг мазкур индексдаги кучли ва заиф томонлари тадқиқ этилган ҳолда хулосалар шакллантирилган ҳамда индексда мамлакатимиз ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан таклиф-тавсиялар келтирилган.

Таянч иборалар: инсон капитали, инновация, инвестиция, инновация ресурслари, инновация натижалари, институционал ривожланиш, илмий тадқиқотлар, инфратузилма.

Shoira Asamkhodjaeva
Tashkent Institute of Finance

THE ROLE OF HUMAN CAPITAL IN THE GLOBAL INNOVATION INDEX

Abstract: The article describes the content of human capital and the nature of investments in it, the role of a number of indices in determining the level of development of human capital in the world, including the Global Innovation Index, its main factors and indicators. Also, the aspects of Uzbekistan in the Global Innovation Index related to human capital were studied and analyzed. The strengths and weaknesses of Uzbekistan in this index were observed, conclusions were drawn and recommendations and suggestions were made to strengthen the country's position in the index.

Keywords: human capital, innovation, investment, innovative resources, innovation results, institutions, research, infrastructure.

Кириш

Мамлакатимизда турли соҳада олиб борилаётган ислохотлар замирида инсонни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадлари ётади, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Республикаимизда иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш билан бирга, юқори билим салоҳиятига эга кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг сифат таркибини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради”[1]. Шу сабабли “инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”[2]. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

инновацион ривожлантириш стратегияси қабул қилинган бўлиб, Стратегиянинг бош мақсади мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришдир”[3].

Адабиётлар шарҳи

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида “инсон капитали” атамаси тез-тез қўлланилмоқда. Хўш, инсон капитали деганда нимани тушуниш керак? Бу борада айрим олимларнинг фикрига тўхталиб ўтсак. Масалан, таниқли иқтисодчи олим С.Фишер бошчилигидаги олимлар гуруҳи “Инсон капитали бу — одамнинг фойда келтириш қобилиятининг ўлчови. Бунга унинг туғма қобилияти, билимлари ва касбий малакалари киради”[4] дея таъкидлаган бўлса, маҳаллий олимларимиз А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар “Инсон капитали – бу кишиларнинг ҳаётини неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч-қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади”, [5] деган фикрни билдиришган. Демак, инсонга даромад (ёки наф) олиб келадиган қобилиятлари йиғиндисини инсон капитали сифатида таърифлаш мумкин.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори, иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон капиталининг роли бўйича тадқиқотларни ўтказган олим Т.Шульц инсон капиталининг даромадлари моддий капиталнинг аксарият турлари даромадларидан каттароқдир, дея таъкидлайди. Шу жиҳатдан инсон капиталига йўналтириладиган инвестицияларни ошириш тарафдорларидан ҳисобланади [6]. Яна бир иқтисодчи олим Ж.Томер ўз қарашларида компанияларнинг юқори рентабеллигини таъминлаш гарови, бу улардаги бошқарув тизимининг сифат кўрсаткичларига боғлиқ эканлигини, шу сабабли ташкилий капитал деб номланувчи инсон капиталига инвестиция киритиш зарурлигини таъкидлайди[7]. Америкалик иқтисодчи олим Ж.Минсер ҳам ўз илмий ишланмаларида инсон капиталига киритилган инвестицияларни баҳолаган. Унинг фикрича, инсонлар даромадининг бир хилда эмаслиги инсон капиталига қилинган инвестицияларга боғлиқ, бунда инвестиция жараёни эркин танловга асосланади. Инсонлар даромадининг табақаланиши таълим, ёш ва касб каби омилларга боғлиқ[8].

Демак, инсон капитали инсон даромадларининг ўлчови экан. Инсонни даромади ундаги билим, тажриба ва кўникмалар даражасига боғлиқ. Бирор бир шахсда инсон капитали қанчалик сифат жиҳатдан юқори бўлса, унинг даромадлари ҳам шунча юқори бўлади [9].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида инсон капитали, унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали

қўлланилди, шунингдек Глобал Инновацион Индексда инсон капиталининг ўрни ўрганилиб, Ўзбекистоннинг бу индексдаги рейтинга салбий таъсир кўрсатаётган инсон капитали билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Инсон капитали инсонга даромад келтирувчи қобилият эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси давлат инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Дунё миқёсида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда бир қатор индекслардан фойдаланилади. Масалан, “Инсон камолоти индекси”, “Глобал инновацион индекс”, “Глобал рақобатбардошлик индекси” шулар жумласидандир. Инсон камолоти индексида кутилаётган умр давомийлиги, таълим, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад каби омиллар орқали дунё мамлакатлари ўртасида рейтинг аниқланади[10]. Глобал рақобатбардошлик индексида халқаро статистика ва йирик компания раҳбарлари орасида сўров ўтказишдан фойдаланган ҳолда рейтингни белгилаш доирасида: институтлар сифати, инфратузилма, макроиқтисодий барқарорлик, саломатлик ва бошланғич таълим, олий таълим ва касбий тайёргарлик, товар ва хизматлар бозори самарадорлиги, меҳнат бозори самарадорлиги, молия бозорининг ривожланиши, технологик ривожланиш даражаси, ички бозор ҳажми, компаниялар рақобатбардошлиги, инновацион салоҳият сингари кўрсаткичлар баҳоланади[11]. Ушбу мақола орқали инсон капитали билан “Глобал инновацион индекс”нинг боғлиқлигига тўхталиб ўтсак.

Глобал Инновацион Индекс Корнелл университети, ИНСЕАД ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган агентлиги бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан нашр этилади. 2020 йилда ГИИ “Инновацияларни ким молиялаштиради?” мавзусига бағишланган ўзининг 13-нашрини тақдим этди[12]. Инновация иқтисодий ривожланишнинг асосий омили эканлигини англаган ҳолда, ГИИ 130 га яқин иқтисодиётга тегишли инновацион рейтинг ва кенг таҳлилий ишланмаларни тақдим қилган. Сўнгги ўн йил ичида ГИИ ўзини инновациялар бўйича етакчи маълумотлар базаси ва ГИИни ўзларининг инновацион кун тартибига киритадиган иқтисодиётлар учун “ҳаракат воситаси” сифатида намоён этди.

ГИИ - бу жаҳон иқтисодиётининг инновацион имкониятлари ва натижаларининг рейтингидир. Бу институционал ривожланиш, инсон капитали ва илмий тадқиқотлар, инфратузилма, кредит, сармоялар, алоқалар; билимларни яратиш, сингдириш ва тарқатиш; ва ижодий натижаларни ўз ичига олган мезонларга асосланган ҳолда инновацияларни ўлчайди. ГИИ иккита субиндексга эга: Инновацияларга кириш субиндекси ва инновациялар

натижаларига оид субиндекс. Мазкур субиндексларга етгита омил орқали баҳо бериледи, бу омилларнинг ҳар бири учтадан асосий кўрсаткич ва бир қатор ёрдамчи кўрсаткичларни ўз ичига олади. Умумий қилиб олганда, жами 80та кўрсаткич орқали индекс аниқланади.



1-расм. Глобал Инновацион Индекснинг субиндекслари ва омиллари [12]

Демак, Глобал Инновацион Индекс иккита субиндексдан иборат бўлиб, бири инновациялар учун ресурслар, иккинчиси инновация натижаларини ўзида жамлайди. Бунда инсон капитали инновацияларни ривожлантирувчи ресурс сифатида ҳам, инсон билимининг ва ҳаракатининг самаралари эса инновациядан олинган натижаларда ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, якуний индексда ҳаражат ва натижалар ўртасидаги ўзаро нисбат келиб чиқади, бу ўз навбатида у ёки бу мамлакатда инновацияларнинг, шу жумладан инсон капиталининг ривожланишига сарфланган ҳаражатларнинг самарасини объектив баҳолаш имконини беради[13].

Ўзбекистон мазкур индексда 2015 йилдан бери маълумотлар етарли бўлмаганлиги сабабли баҳоланмаётган эди. 2020 йилда эълон қилинган индексда мамлакатимиз 93-ўринни эгаллади. Буни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Глобал Инновацион Индексида Ўзбекистоннинг ўрни [14, 12]

№	Омиллар	2015 йил		2020 йил		Рейтингдаги ўзгариш
		балл	рейтинг	балл	рейтинг	
1.	Институционал ривожланиш	49,0	106	55,1	95	+11
2.	Инсон капитали ва илмий тадқиқотлар	27,0	76	27,5	77	-1
3.	Инфратузилма	29,0	101	38,5	72	+29
4.	Бозорни ривожлантириш	44,4	85	54,9	27	+58
5.	Бизнесни ривожлантириш	20,0	138	15,2	127	+11
6.	Билимлар ва технологиялар натижадорлиги	27,2	61	14,1	90	-29
7.	Ижодий натижадорлик	8,5	138	7,5	127	+11
	Умумий рейтингдаги ўрни	25,9	122	24,54	93	+29

Манба: www.insead.edu ва www.globalinnovationindex.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Глобал Инновацион Индексида Ўзбекистон 2020 йилда 131та давлат ичида 93-ўринни эгаллади. Бу 2015 йилдаги рейтингга нисбатан 29 ўринга кўтарилиганини кўрсатмоқда. Мазкур индексда 2015 йил Ўзбекистон 141 та давлат ичида 122-ўринни эгаллаган эди. Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги индексдаги рейтингига салбий таъсир кўрсатган омиллар сифатида инсон капитали ва илмий тадқиқотлар ҳамда билимлар ва технологиялар натижадорлигига тегишли кўрсаткичларнинг бошқа бир қатор давлатларга нисбатан пастлигида кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Глобал Инновацион Индексида собиқ иттифоқ давлатларининг ўрни (2020 йил) [12]

	Давлат	Рейтинг	Балл
1.	Украина	45	36,32
2.	Россия	47	35,63
3.	Молдава	59	32,98
4.	Арманистон	61	32,64
5.	Грузия	63	31,78
6.	Беларус	64	31,27
7.	Қозоғистон	77	28,56
8.	Озарбайжон	82	27,23
9.	Ўзбекистон	93	24,54
10.	Қирғизистон	94	24,51
11.	Тожикистон	109	22,23
12.	Туркманистон	-	-

Одатда, мамлакатларни жаҳондаги машҳур индекслардаги ўрни таҳлил қилинганда, уларни ўзи билан ривожланиши тенг бўлган давлатлар билан солиштирган мақсадга мувофиқ. Шу боис собиқ иттифоқ давлатлари билан солиштирилганда, ушбу индексда Ўзбекистоннинг ўрни у қадар яхши эмаслигини кўришимиз мумкин. Индексда собиқ иттифоқ давлатлари ичида етакчи мамлакат сифатида Украина 36,32 балл тўплаб, 45-ўринни эгаллаган бўлса, Марказий Осиё давлатлари ичида етакчи мамлакат сифатида Қозоғистон 28,56 балл тўплаб, 77-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистоннинг мазкур индексдаги кучли ва заиф томонлари билан кўйидаги жадвал орқали танишишимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги кучли ва заиф томонлари [15]

Кучли томонлари		Заиф томонлари	
Кўрсаткич номи	Рейтинги	Кўрсаткич номи	Рейтинги
Бизнес бошлашнинг осонлиги	8	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати	127
Таълимга сарф-харажатлар	31	Қонун устуворлиги	124
Ўқувчилар ва ўқитувчилар нисбати	38	Энг яхши глобал илмий-тадқиқот компаниялари	42
Фан ва муҳандислик бўйича битирувчилар	7	Университетлар рейтинги	77
Ҳукуматнинг онлайн хизмати	48	Микромолиялаштиришнинг ялпи кредитлари	79
Умумий инфратузилма	41	Илмий-тадқиқот ишланмаларининг хориждан молиялаштирилиши	96
Асосий капиталнинг шаклланиши	8	Ахборот коммуникацион технологиялар хизматлари импорти	130
Бозорнинг ривожланганлиги	27	Билимларнинг тарқалиши	131
Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги	36	Ахборот коммуникацион технологиялар хизматлари экспорти	129
Патент келиб чиқиши	45	Ижодий натижалар	127
Билим таъсири	49	Онлайн ижодкорлик	126
Харид қобилияти паритетининг ўсиши	12	Юқори даражадаги доменлар	131
Маданий ва ижодий хизматлар экспорт қилиш кўрсаткичи	33	Мобил иловаларни яратиш	98

Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги энг кучли жиҳатлари фан ва муҳандислик бўйича битирувчилар сонининг кўплиги, бизнес бошлашнинг осонлиги ва асосий капиталнинг шаклланиши, яъни ЯИМ таркибида асосий капиталга инвестицияларнинг улушида намоён бўлса, энг

заиф томонлари эса билимларнинг, яъни инновацияларнинг секин тарқалишида, ахборот коммуникацион технологиялар хизматлари импорти ва экспортида, юқори даражадаги доменларнинг камлигида кўринади. Бу эса инсон билими ва ҳаракати натижаларининг сушт эканлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда Глобал Инновацион Индексдан фойдаланиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Инсон капитали инсон даромадларининг ўлчови бўлиб, бу инсондаги билим, тажриба ва кўникмалар даражасига боғлиқ. Демак, инсон капиталининг ривожланганлик даражаси унинг билим, тажриба ва кўникмаларининг юқорилигида намоён бўлади.

2. Дунё мамлакатларида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда бир қатор кўрсаткичлар билан бирга Глобал Инновацион Индексдан ҳам фойдаланилади. Мазкур индекс инновациялар учун ресурслар ҳамда инновация натижаларини ўзида жамлаб, инсон капиталининг ривожланишига сарфланган харажатларнинг самарасини баҳолаш имконини беради.

3. Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексда эълон қилинган рейтингдаги ўрнига инсон капитали ва илмий тадқиқотлар ҳамда билимлар ва технологиялар натижадорлиги, яъни инсон капиталига киритилган инвестициялар натижасининг пастлиги салбий таъсир кўрсатган.

4. Ўзбекистон Президентининг ПФ-5544-сонли “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида асосий вазифалардан бири этиб, 2030 йилга қадар республикани Глобал инновацион индекс баҳолаш рейтингда етакчи 50 та давлатлар қаторига киритилиши белгиланган. Демак, Ўзбекистоннинг Глобал Инновацион Индексдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун унинг индексда паст рейтингга эга бўлган жиҳатларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан инсон капиталига инвестицияларни ошириш орқали инновация ресурсларининг сифатини ошириш, сўнгра улардан келадиган самарани ўсишига умид қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020й. (<https://president.uz/uz/lists/view/4057>)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. (<http://uza.uz/posts/3329>)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони.
4. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. - С. 303
5. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. — Т.: Иқтисод-молия, 2014. 226 б.
6. Theodore W. Schultz. Investing in people: Schooling in low income countries. Economics of Education Review. Volume 8, Issue 3, 1989, 219-223-p. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/0272775782900012>).
7. John F. Tomer. Developing world class organization: Investing in organizational capital. Technovation. Volume 10, Issue 4, June 1990, Pages 253-263. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/016649729090056P>).
8. Mincer J. Investment in human capital and personal income distribution. The journal political economy. 281-302 p.
9. Насиров Э., Асамходжаева Ш. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш. 2-қисм. Дарслик. — Т.: Иқтисод-молия, 2020. 424 б.
10. <http://www.hdr.undp.org/en/humandev>
11. <https://www.weforum.org/reports/the-global-competitiveness-report>
12. <https://www.globalinnovationindex.org/gii-2020-report>
13. <https://mininnovation.uz/uz/news/18-10-2019-ekspert-global-innovatsion-indeks>
14. <https://www.insead.edu/news/global-innovation-index-2015>
15. https://www.theglobaleconomy.com/Uzbekistan/GII_Index/